

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01**

---

**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМЕЗ  
ФИЛИАЛИ**

**НУРМАМАТОВ ДОСТОНЖОН САМАТ ЎҒЛИ**

**БОЛАЛАРДА ГИПОСПАДИЯНИНГ ДИСТАЛ ШАКЛЛАРИДА  
ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нурмаматов Достонжон Самат ўғли**

Болаларда гипоспадиянинг дистал шаклларида даволаш натижаларини яхшилаш.....	3
--	---

**Нурмаматов Достонжон Самат угли**

Улучшение результатов лечения дистальных форм гипоспадии у детей.....	31
---	----

**Nurmamatov Dostonjon Samat o'g'li**

Improving treatment results for distal hypospadias in children.....	48
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ	49
List of published works.....	

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМЕЗ  
ФИЛИАЛИ**

**НУРМАМАТОВ ДОСТОНЖОН САМАТ ЎҒЛИ**

**БОЛАЛАРДА ГИПОСПАДИЯНИНГ ДИСТАЛ ШАКЛЛАРИДА  
ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестацион комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3944 рақам билан рўйхатга олинган.**

Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталаida ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Отамуродов Фурқат Абдукаримович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Аззамжоджаев Сайданвар Талатович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Сапаев Отабек Қадирович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/01.02.2022.tib.147.01 рақами илмий кенгашда «\_\_\_\_\_» 2026 й. соат \_\_\_ да бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294, (Болалар миллий тиббиёт маркази) Тел/факс (+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй.. Телефон: (+99855) 503-03-66.

Диссертациянинг автореферати «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда тарқатилган.  
(«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда № \_\_\_ рақами реестр баённомаси)

**А.М. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.С. Юсупов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш.Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Гипоспадия болаларда учрайдиган сийдик-таносил тизими ривожланишидаги энг кенг тарқалган туғма аномалиялардан биридир. Халқаро кўп марказли тадқиқот маълумотларига кўра, гипоспадиянинг умумий тарқалиши ҳар 10000 туғилишга 20,9 та ҳолатни ташкил этиб, «...бу тахминан ҳар 500 нафар тирик туғилган ўғил боладан биттасида учрашига тенг келади...»<sup>1</sup>. Гипоспадиянинг дистал шакллари касалликнинг умумий ҳолатларининг 80-85% ни ташкил этади, бу эса унинг туғма нуқсонлар орасидаги юқори тиббий-ижтимоий аҳамиятини белгилайди<sup>2</sup>.

Гипоспадияни жарроҳлик йўл билан даволаш замонавий болалар урологиясининг мураккаб вазифаларидан бири бўлиб, жарроҳдан юқори малака ва замонавий техник ечимларни қўллашни талаб қиласди. Жарроҳлик коррекциясининг 300 дан ортиқ турли усуслари мавжуд бўлишига қарамай, гипоспадиянинг дистал шаклларини даволашга оптимал ёндашувни танлаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Турли усусларда «...асоратларнинг учраш даражаси 5% дан 50% гача ўзгариб туради, шу билан бирга, такрорий жарроҳлик амалиётини талаб қиласидиган кечки асоратлар 5-15% беморларда ривожланади...»<sup>3</sup>.

Дюплей операцияси каби анъанавий усувлар ўзига хос афзалликларига эга бўлса-да, уларни қўллаш учун кўрсатмалар чекланган ва ноқулай анатомик шароитларда доим ҳам оптимал натижаларни таъминлай олмайди. Snodgrass усули бўйича TIP (*Tubularized Incised Plate*) жарроҳлик усулини ўз ичига олган замонавий ёндашувлар жарроҳлик даволаш имкониятларини кенгайтирди, бироқ асоратлар даражаси сезиларли муаммо бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш, асоратлар частотасини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берувчи янги техник ечимларни ишлаб чиқиши долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, болаларда турли жарроҳлик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, хусусан, «...аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш...»<sup>4</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, болаларда гипоспадияни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш фоят долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг қатор норматив-хукуқий хужжатларида белгиланган қоидаларни амалга оширишга муайян даражада қаратилган. Улар қаторида: Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup>Springer A, van den Heijkant M, Baumann S. Worldwide prevalence of hypospadias. J Pediatr Urol. 2016 Jun;12(3):152.e1-7. doi: 10.1016/j.jpurol.2015.12.002.

<sup>2</sup>Bergman J.E., Loane M., Vrijheid M., Pierini A. et al. Epidemiology of hypospadias in Europe: a registry-based study. World J Urol. 2015 Dec;33(12):2159-67. doi: 10.1007/s00345-015-1507-6.

<sup>3</sup>Palacios-Rodríguez P.M., Romero J.J.G., Montalvo-Hernández J., Vázquez-González J.C. et al. Hypospadias: a review. International Journal of Research in Medical Sciences, 11(9), 3548–3555. <https://doi.org/10.18203/2320-6012.ijrms20232483>

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841077>

Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони; ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 2021 йил 29 июлдаги ПФ-5199-сон Фармони; шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон Қарори. Бундан ташқари, ушбу иш тегишли соҳадаги фаолиятни тартибга солувчи бошқа расмий хужжатларга ҳам асосланади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гипоспадияни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан фаол ўрганиб келинмоқда. Замонавий гипоспадия жарроҳлигининг асосий тамойиллари Duplay (1874), Denis Browne (1949), Devine ва Horton (1961) нинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ушбу йўналишнинг ривожланишига TIP усулинин ишлаб чиқкан W. Snodgrass, гипоспадия шаклларининг таснифини яратган J. Duckett ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Замонавий тадқиқотлар ушбу соҳанинг жадал ривожланаётганини кўрсатмоқда. Библиометрик таҳлил маълумотларига кўра, ҳар йили жарроҳлик усуслари, операциядан кейинги парвариш, асоратлар ва анатомик омилларга бағищланган юзлаб илмий ишлар чоп этилмоқда. Хусусан, Snodgrass усули бўйича TIP пластика усулининг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки бу усул асоратларнинг камлиги ва яхши косметик натижалари туфайли бутун дунёда эътироф этилган (Pfistermuller K.L., 2015). Замонавий тадқиқотларда даволаш натижаларига таъсир этувчи турли омилларнинг муҳимлиги таъкидланмоқда. Уретрал пластинканинг етарли кенглиги ( $>8$  мм) TIP жарроҳлик усулининг самарали бўлиши учун жуда муҳим эканлиги исботланган (Aboutaleb H., 2014). Косметик натижаларни объектив баҳолаш учун HOPE тизими жорий этилган (van der Toorn, 2013). Шунингдек, кўп сонли жарроҳлик амалиётини ўтказадиган марказларда асоратлар кўрсаткичлари паст бўлиши тадқиқотларда намоён бўлган (Snodgrass W., 2013).

Тиббиётда инсоннинг анатомик тузилмасини компютерда 3D босма шаклда яратиш, моделлаштириш ва тиббий мақсадларда фойдаланиш борасидаги инновацион технологиялар, жумладан, тўқима муҳандислиги ва сийдик чиқариш йўллари тўқималарини қайта тиклаш учун ўзак ҳужайралари каби технологиялар фаол ривожланмоқда. Қон томир билан таъминланган тўқима лахтакларидан фойдаланилган TIP жарроҳлик усулининг такомиллаштирилган вариантлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар яхши натижаларни кўрсатмоқда (Baccala A.A., 2005).

Бирок, адабиётлар таҳлили шуни қўрсатадики, гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик даволашнинг оптимал ёндашуви бўйича ҳозиргача ягона фикр йўқ. Турли усусларда асоратларнинг учраш даражаси 5% дан 50% гача ўзгариб туриши, жарроҳлик ёндашувларини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради (Wu Y., 2020).

Мамлакатимизда бир қатор олимлар томонидан болалар амалиётида гипоспадияни ташхислаш ва даволаш ёндашувларини такомиллаштиришга бағищланган тадқиқотлар ўтказилган (Бекназаров Ж.Б., 2015; Абдуллаев З.Б.,

2024). Шундай бўлса-да, болаларда гипоспадиянинг дистал шаклларини аниқлаш ва жарроҳлик усулида даволашни оптималлаштиришга оид етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаган.

Анатомик хусусиятлар, беморнинг ёши ва бошқа омилларга қараб жарроҳлик тактикасини танлашни оптималлаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Замонавий даволаш усулларининг узоқ муддатли натижалари ва уларнинг bemorlar ҳаёт сифатига таъсири қўшимча тадқиқотларни талаб қиласди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термез филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Болалардаги туғма ва ортирилган касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – болаларда гипоспадиянинг дистал шаклларини даволашда тактика ва жарроҳлик амалиёти усулини танлашни оптималлаштириш асосида даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик йўли билан даволашда асоратлар ривожланишининг прогностик омилларини беморларнинг операция олди хусусиятлари ва жарроҳлик амалиётининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш.

2. Гипоспадия шаклига қараб, операциядан олдинги ва кейинги даврда беморларни олиб бориш тактикасини тизимлаштириш.

3. Сийдик чиқариш канали ташки тешигининг жойлашув вариантлари, пластик материалнинг сифати ва микдори, шунингдек, ҳамроҳ касалликларни инобатга олган ҳолда неоуретрани шакллантириш бўйича муаллифлик усулини асослаш.

4. Гипоспадиянинг дистал шаклларини турли реконструктив усуллар ёрдамида жарроҳлик даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш.

**Тадқиқот обьекти сифатида** гипоспадиянинг дистал шакллари билан оғриган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган 191 нафар бемор болалар танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети.** Болаларда гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш усуллари, жумладан, муаллифлик TIP-M модификацияси ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари.

**Тадқиқот методологияси ва усуллари.** Тадқиқот ретроспектив-проспектив когорт тадқиқоти сифатида бажарилди. Замонавий клиник текшириш, инструментал ташхис ва статистик тахлил усулларидан фойдаланилди. Даволашнинг турли усуллари самарадорлигини баҳолашда далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг TIP-M муаллифлик модификация усули ишлаб чиқилган (IAP 7701 16.05.2024 й.);

дистал гипоспадияларда 6 мм дан кам уретрал пластинкасининг эни ва унинг дисплазия даражаси жарроҳлик тактикасини белгиловчи асосий мезонлари эканлиги ва TIP-M усули орқали тор пластинка шароитида қон томирли лахтакни қўллаш уретрал структура хавфини бартараф этиши исботланган;

уретрал пластинкани дозаланган (2 мм) кесиш ва муаллифлик TIP-M усулида қон томирли лахтак билан нүқсонни қоплаш орқали йирингли асоратларни З баробарга ва тақорорий операцияларни 5,4 фоизгача камайтириш имконини берган неоуретранинг герметиклигини таъминлаш механизми такомиллаштирилган;

гипоспадиянинг дистал шаклларини даволаш учун уретрал пластинканинг ўлчами ва сифатини баҳолашга асосланган беморларнинг шифохонада даволаниши муддатини 5 кунга қисқартириш ва “аъло” функционал ва косметик натижалар салмоғини 4,7 бараварга ошириш имконини берган табақалаштирилган жарроҳлик алгоритми ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

муаллифлик TIP-M модификацияси ишлаб чиқилди ва жорий этилди (UZ IAP 7701-сонли патент, 16.05.2024 й.). Бу модификация эрта асоратлар частотасини Дюплей усуга нисбатан 76,6% дан 26,8% гача пасайтиришни таъминлайди. Усул 56 нафар беморда муваффақиятли қўлланилиб, 73,2% ҳолларда аъло натижаларга эришилган;

болалар урологлари учун жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари тизими амалий алгоритм билан биргаликда ишлаб чиқилган. Кўп омилли таҳлил шуни кўрсатдики, TIP-M муаллифлик усулини қўллаш Дюплей усуга нисбатан асоратлар хавфини 9 марта, классик TIP усуга нисбатан эса 2,8 марта камайтирган;

беморларни операциядан олдинги, операция ва ундан кейинги даврда олиб бориши бўйича стандартлаштирилган протоколлар ишлаб чиқилган. Ушбу протоколлар TIP-M муаллифлик усулида bemorlarning 73,2%ида (классик TIP усулида 50,0%, Дюплей усулида 23,4%) операциядан кейинги яранинг бирламчи битишини таъминлаган. Протоколлар тақорорий операцияларга бўлган эҳтиёжни TIP-M усулида муқобил усувлардаги 19,0% ва 32,5%га нисбатан 5,4% гача камайтиришга ёрдам берган;

анатомик хусусиятларга қараб, турли усувларни қўллашга оид кўрсатмалар асослаб берилиган: TIP-M муаллифлик усули гипоспадиянинг барча дистал шаклларида, ҳатто ноқулай шароитларда ҳам (тор уретрал пластинкаси, тўқималарнинг қониқарсиз сифати) оптималь натижаларни таъминловчи биринчи танлов усули сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйидагилар билан тасдиқланган: 191 нафар bemordan iborat reprezentativ tanlov; замонавий ташхислаш ва математик-статистик маълумотларни қайta ишлаш усувларини қўллаш; нисбий хавф кўрсаткичлари ва 95% ишончлилик оралиқларини аниqlagan ҳолда кўп омилли таҳлилдан оқилона фойдаланиш; узоқ муддатли (максимал 7 йил, ўртacha кузатув муддати  $28,4 \pm 16,2$  ой) катамнестик мониторинг; статистик жиҳатдан ишончли гурухлараро фарқларни аниqlashi.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик йўли билан даволаш имкониятлари ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириш, қон томир билан таъминланган лахтаклардан фойдаланган ҳолда неоуретрани шакллантириш бўйича такомиллашган техник ёндашувларни ишлаб чиқиш, оптimal жарроҳлик тактикасини танлашнинг микдорий мезонларини илмий асослаш ва реконструктив болалар урологиясини янада такомиллаштириш учун методологик базани яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган муаллифлик TIP-M усулини клиник амалиётда қўллаш орқали гипоспадиянинг дистал шакларини даволаш натижаларини статистик жиҳатдан сезиларли даражада яхшилаш, Дюплей усулга нисбатан эрта асоратлар даражасини 2,9 мартаға камайтириш ва даволаш натижаларидан оиласларнинг қониқишини сезиларли даражада ошириш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари болалар урология бўлимларининг иш фаолиятига татбиқ этилиши, уролог шифокорларни тайёрлашда ўкув жараёнида фойдаланилиши, болаларда гипоспадияни даволаш бўйича клиник тавсияларни такомиллаштириш ва ушбу патологияни хирургик даволаш бўйича замонавий тажрибани кенг ёйиш учун ишлатилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техника кенгашининг 2025 йил 22 сентябрдаги №25/46-сонли ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2025 йил 5 июлдаги №01/2402-сонли хулосаларига биноан:

**Биринчи илмий янгилик:** илк бор Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган гипоспадиянинг дистал шакларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг TIP-M муаллифлик модификация усули ишлаб чиқилган (IAP 7701 16.05.2024 й.). Мазкур модификация «Болаларда дистал гипоспадиянинг диагностика алгоритми ва жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари» ҳамда «Болаларда дистал гипоспадиянинг жарроҳлик йўли билан даволашга комплекс ёндашув» номли услубий тавсиялар мазмунига киритилган. Ушбу тавсиялар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 августдаги №133/U-сонли буйруғи ва Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги №114-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти:* муаллифлик TIP-M усулини қўллаш натижасида жарроҳликдан кейинги асоратларни сезиларли даражада камайганлиги болаларнинг руҳий ҳолати яхшилаш, улар ва оиласлар ҳаёт сифатини оширган. Оиласларнинг ушбу усулдан юқори даражада мамнун бўлиши болаларнинг жамиятга мослашувига ижобий таъсир кўрсатган. *Иқтисодий самарадорлик:* Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида муаллифлик усули жорий этилганда, bemorlarning shifoxonada ётиш муддати ўртача 14 кундан 9.5 кунгача қисқарган. Бу эса ҳар бир bemor учун даволаш ҳаражатларини Дюплей усулидаги 3.080.000 сўмдан TIP-M усулида 1.980.000 сўмгача тушириб, 1.100.000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Тадқиқотдаги 11 нафар bemor учун жами 12.100.000 сўм маблағ тежалган. *Хулоса:* ишлаб чиқилган TIP-M усули юқори ижтимоий аҳамиятга эга (оиласларнинг мамнунлиги, руҳий зўриқишининг камайиши) ва иқтисодий самарадорлиги туфайли болалар урологияси амалиётида қўллаш учун тавсия этилади.

**Иккинчи илмий янгилик:** дистал гипоспадияларда 6 мм дан кам уретрал пластинкасининг эни ва унинг дисплазия даражаси жарроҳлик тактикасини белгиловчи асосий мезонлари эканлиги ва TIP-M усули орқали тор пластинка шароитида қон томирли лахтакни қўллаш уретрал структура хавфини бартараф этиши исботланган. Таҳлил натижалари «Болаларда дистал гипоспадиянинг диагностика алгоритми ва жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари» ҳамда «Болаларда дистал гипоспадиянинг жарроҳлик йўли билан даволашга комплекс

ёндашув» номли услугбий тавсиялар мазмунига киритилган. Ушбу тавсиялар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 августдаги №133/U-сонли буйруғи ва Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги №114-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти:* жарроҳликдан кейинги асоратларнинг 89,6% дан 30,4% гача камайиши даволаш ёндашувларини стандартлаштириш имконини берган, шу билан бирга сифатли тиббий ёрдамдан барчанинг тенг фойдаланишини ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий адолатни таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлик:* ТР-М муаллифлик усули ҳар бир бемор учун 1.075.000 сўм тежашни таъминлаган. 56 нафар бемордан иборат тадқиқот гуруҳида жами тежам 60.200.000 сўмни ташкил этган. Касалхонада ётиш муддатининг 5 қунга қисқариши шифохона юкламасини камайтирган ва ўрин-жой фондидан фойдаланишини мақбуллаштирган. *Хулоса:* турли усуллар натижаларини тизимли ўрганиш даволашнинг қулайлиги ва иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қиласи, бу эса беморнинг қаерга мурожаат қилишидан қатыи назар, тиббий ёрдамни стандартлаштириш учун пойдевор яратади.

**Учинчи илмий янгилик:** уретрал пластинкани дозаланган (2 мм) кесиш ва муаллифлик ТР-М усулида қон томирли лахтак билан нуқсонни қоплаш орқали йирингли асоратларни 3 баробарга ва такорий операцияларни 5,4 фоизгача камайтириш имконини берган неоуретранинг герметиклигини таъминлаш механизми такомиллаштирилган. Мазкур мезонлар «Болаларда дистал гипоспадиянинг диагностика алгоритми ва жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари» ҳамда «Болаларда дистал гипоспадиянинг жарроҳлик йўли билан даволашга комплекс ёндашув» номли услугбий тавсиялар мазмунига киритилган. Ушбу тавсиялар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 августдаги №133/U-сонли буйруғи ва Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги №114-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти:* асоратлар ривожланиш хавфлар омилларини миқдорий баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши индивидуал ёндашувни таъминлайди, даволаш натижаларини прогноз қилиш имкониятини оширади, оиласардаги ташвишланишини камайтиради ҳамда шифокорлар ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини шакллантиради. *Иқтисодий самарадорлик:* ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланиш жарроҳлик тактикасини нотўғри танлашнинг олди олинган, ТР-М усули қўлланилганда асоратлар хавфи Дюплей усулига нисбатан 9 баробар камайган ва ҳар бир беморни даволаш учун умумий харажатларни ўртача 60% га қисқарган, натижада иқтисодий самарадорликка эришилган. *Хулоса:* жарроҳлик тактикасини танлаш учун ишлаб чиқилган мезонлар индивидуал ёндашувни таъминлаган, асоратлар хавфини 9 баробар камайтирган ва ҳар бир бемор учун харажатларни 60% га қисқартирган, шунингдек, бу мезонлар тиббий ресурслардан оқилона фойдаланишга ёрдам берган.

**Тўртинчи илмий янгилик:** гипоспадиянинг дистал шаклларини даволаш учун уретрал пластинканинг ўлчами ва сифатини баҳолашга асосланган беморларнинг шифохонада даволаниш муддатини 5 қунга қисқартириш ва "аъло" функционал ва косметик натижалар салмоини 4,7 бараварга ошириш имконини берган табакалаштирилган жарроҳлик алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу афзаликлар «Болаларда дистал гипоспадиянинг диагностика алгоритми ва жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари» ҳамда «Болаларда дистал

гипоспадиянинг жарроҳлик йўли билан даволашга комплекс ёндашув» номли услугубий тавсиялар мазмунига киритилган. Ушбу тавсиялар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 1 августдаги №133/U-сонли буйруғи ва Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 8 июлдаги №114-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий аҳамияти*: патентланган муаллифлик усули ёрдамида уретрал пластиканинг кенглигини 30-40% га ошириш узоқ муддатли репродуктив натижаларни яхшилаган, бу эса муҳим ижтимоий ва демографик аҳамият касб этган натижадир. *Иқтисодий самарадорлик*: TIP-M усулини қўллаш операциядан кейинги асоратлар частотасини 76,6% дан (Дюплей усули бўйича) 26,8% гача камайтирган. Бу эса ётоқ кунлари сонининг қисқаришига ва даволаниш учун умумий харажатларнинг пасайишига олиб келган. Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ушбу усулни жорий этиш жараёнида олинган маълумотларга кўра, бир bemor учун сарф-харажатлар 3.010.000 сўмдан (Дюплей усули) 1.935.000 сўмгача (TIP-M) камайган, бу эса 1.075.000 сўм тежашни англатади. 11 нафар bemor учун умумий иқтисод 12.100.000 сўмни ташкил этган. *Хулоса*: гипоспадиянинг дистал шаклларини даволашда муаллифлик TIP-M усулини қўллаш илмий асосланган, сезиларли иқтисодий самара берган, болалар урологиясининг ривожланиши ҳамда bemorларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашга кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. 2 та услугубий тавсиялар ишлаб чиқилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 132 бет ҳажмидаги матндан иборат бўлиб, кириш, 4 та боб, хотима, хуносалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Иш 15 та жадвал ва 22 та расм билан тасвирланган. Библиография 128 та манбани ўз ичига олади, улардан 55 таси рус тилидаги ва 73 таси хорижий муаллифлар нашрлариридан.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** диссертация мавзусининг долзарблиги ва долзарблигини асосслайди, мақсад ва вазифаларини, шунингдек тадқиқот обьекти ва предметини белгилайди, тадқиқотни Ўзбекистон Республикасида илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлаштиради, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини белгилайди, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради, олинган маълумотларнинг долзарблигини таъминлайди. тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида.

Диссертациянинг **биринчи боби адабиётлар шархидан** иборат бўлиб, унда эркаклар сийдик-таносил тизимининг энг кенг тарқалган туғма аномалияларидан


бири – дистал гипоспадияни жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий жиҳатлари ёритилган. Бобда жарроҳлик усулларининг ривожланиш тарихий босқичлари, жумладан, ҳозирда даволаш стандартига айланган ва 90-95% ҳолатда муваффақиятли натижа бераётган TIP-уретропластика, MAGPI ва Mathieu модификациялари кўриб чиқилган. Шунингдек, касалликнинг анатомо-физиологик хусусиятлари ва тасифлари муҳокама қилинган. Микрожарроҳлик техникаси ва стандартлаштирилган протоколларнинг жорий этилиши асоратлар сонини 7-10% гача камайтиргани таъкидлаб ўтилган. Операция учун оптимал ёш, гормонал тайёргарликнинг аҳамияти ва кечки асоратларнинг олдини олиш каби ечилмаган масалалар алоҳида қайд этилган.

**Иккинчи боб – «Тадқиқот материаллари ва усуллари» – беморларнинг клиник тасифлари, қўлланилган диагностик ва жарроҳлик усулларининг тасифига бағишлиланган. Тадқиқот Қашқадарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг урогинекология бўлимида 2016-2023 йиллар давомида ретроспектив-проспектив когорт усулида ўtkazilgan. Тадқиқотга дистал гипоспадиянинг жарроҳлик давосини олган 191 нафар ўғил бола киритилган. Беморларнинг ёши 12 ойдан 18 ёшгacha бўлиб, ўртacha ёши  $6,5 \pm 3,9$  ёшни ташкил этди. Катамнестик кузатув 6 ойдан 7 йилгacha, ўртacha  $28,4 \pm 16,2$  ой муддатни қамраб олди.**

Беморлар икки гурухга тақсимланган:


- **Таққослаш гуруҳи:** 77 нафар (40,3%) bemor, улар 2016-2019 йилларда Дюплей уретропластикаси усулида, стандарт диагностик текширувлар тўпламидан фойдаланилган ҳолда операция қилинган;
- **Асосий гуруҳ:** 114 нафар (59,7%) bemor, улар 2020-2023 йилларда TIP-уретропластика ва муаллифлик TIP-M модификацияси каби замонавий техникалар, шунингдек, кенгайтирилган операция олди диагностик чора-тадбирлари мажмуаси қўлланилган ҳолда операция қилинган

Беморларнинг гурухлар бўйича тақсимланиши 1-расмда батафсил кўрсатилган.



**1-расм. Беморларнинг гурухлар бўйича тақсимланиши (n=191)**

Беморларнинг ёш таркиби таҳлили мактабгача ёшдаги болаларнинг устунлик қилишини кўрсатди: 3-6 ёш гуруҳи 65 нафар (34,0%), 6-10 ёш гуруҳи эса 49 нафар (25,7%) боладан иборат бўлди (2-расм).



**2-расм. Беморларнинг ёш бўйича тақсимлаш (n=191)**

Беморларнинг гипоспадия шакллари бўйича, даволаш гурухларига қараб батафсил тақсимоти 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

#### **Беморларнинг дистал гипоспадия шакллари бўйича тақсимоти (n=191)**

Гипоспадия шакли	Асосий гурух (TIP+TIP-M), n (%)	Таққослаш гуруҳи (Дюплей), n (%)	Всего, n (%)
Бошча	32 (28,1%)	0 (0%)	32 (16,8%)
Тож эгат	11 (9,6%)	23 (29,9%)	34 (17,8%)
Дистал-тана	71 (62,3%)	54 (70,1%)	125 (65,4%)
<b>Жами</b>	<b>114 (100%)</b>	<b>77 (100%)</b>	<b>191 (100%)</b>

Текширувлар клиник қўрикни, фотоҳужжатлаштиришни, уретрал пластиинка кенглигини ва жинсий олат эгрилиги даражасини ўлчашни, шунингдек, ёрғоқ аъзоларининг ультратовуш текширувани ва уретрографияни ўз ичига олди. Асосий гуруҳда GMS ва POST тизимларидан фойдаландик, бу эса операция усулини танлашда объективликни таъминлади ва асоратлар хавфини прогноз қилиш имконини берди.

Жарроҳлик муолажалари умумий оғриқизлантириш остида, оптик катталаштириш ёрдамида бажарилди. Асосий гуруҳда микрожарроҳлик усуллари, атравматик чок материали, икки қаватли неоуретрани шакллантириш ва қон томир билан таъминланган тери лахтаклари ҳисобига кўшимча қон таъминотидан фойдаланилди.

Операциядан кейинги назорат 1, 3, 6, 12 ой ва узоқ муддатларда ҳар йили ўтказилган қўрикларни ўз ичига олди. Функционал ва косметик натижалар, асоратлар (оқмалар, структуралар, дивертикулалар) частотаси, шунингдек, bemorlar ва ота-оналарнинг даволаш натижасидан қониқиши баҳоланди.

**Учинчи боб – "Болаларда гипоспадиянинг дистал шаклларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш"** – клиник материалларни

ҳар томонлама таҳлил қилиш натижаларини ва гипоспадиянинг дистал шакллари бўлган 191 нафар беморни ташхислаш ҳамда даволаш учун ишлаб чиқилган ёндашувларни ўз ичига олди.

*Стандартлаштирилган ташхис алгоритми.* Ишлаб чиқилган ташхис алгоритми бир босқичдан кейингисига ўтишнинг аниқ мезонлари билан изчил текширув босқичларини ўз ичига олади. Дастребки босқич анамнезни пухта тўплашни назарда тутади, бунда оиласиий мойилликка (беморларнинг 7-14 фоизи), ҳомиладорлик кечишига ва сийдик чиқаришнинг функционал бузилишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Клиник текширувни стандартлаштириш ташхис натижаларининг холислиги ва такрорланишини таъминлайди. Жинсий олатни баҳолаш унинг узунлиги, диаметри ва бошча мутаносиблиги бўйича амалга оширилади. Меатус тавсифи унинг аниқ жойлашувини белгилашни ўз ичига олади: бошча шакли – меатус тож эгатидан дисталроқда жойлашган; тож шакли – тож эгати соҳасида; дистал-танали шакл – тананинг дистал учдан бир қисмида жойлашган.

Жарроҳлик усулини холис танлаш учун анатомик хусусиятларни баҳолаш мезонлари тизимлаштирилди. Уретрал пластинканинг кенглиги қўйидагича таснифланади: тор (6 мм дан кам), ўрта (6-8 мм), кенг (8 мм дан ортиқ). Жинсий олатнинг эгрилиги сунъий эрекция пайтида аниқланади: йўқ ( $0^\circ$ ), енгил ( $15^\circ$  дан кам), ўртача ( $15-30^\circ$ ), кучли ( $30^\circ$  дан ортиқ).

Морфометрик кўрсаткичлар таҳлили (2-жадвал) уретрал пластинка кенглигининг бошча шаклидан дистал-танали шаклга қараб статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайишини кўрсатди: мос равишда  $8,2 \pm 1,1$  мм,  $7,4 \pm 1,3$  мм ва  $6,8 \pm 1,5$  мм ( $p < 0,05$ ). Жинсий аъзо эгрилиги частотаси бошча шаклидан (12,5%) дистал-танали шаклга (28,8%) қараб қонуний равишда ортиб боради.

2-жадвал

#### Беморларнинг гипоспадиянинг анатомик шакллари бўйича тавсифи

Тавсиф	Бошча шакли (n=32)	Тожсимон эгат шакли (n=34)	Дистал-тана (n=125)	Жами (n=191)
Ёши, йил ( $M \pm SD$ )	$5,8 \pm 3,2$	$6,1 \pm 3,7$	$6,7 \pm 4,1$	$6,5 \pm 3,9$
Жинсий олат узунлиги, мм ( $M \pm SD$ )	$38,4 \pm 7,2$	$41,7 \pm 8,5$	$44,2 \pm 9,1$	$42,8 \pm 8,8$
Уретрал пластинка кенглиги, мм ( $M \pm SD$ )	$8,2 \pm 1,1$	$7,4 \pm 1,3$	$6,8 \pm 1,5$	$7,1 \pm 1,4$
<b>Жинсий олат эгрилиги, n (%)</b>				
- йўқ	28 (87,5%)	26 (76,5%)	89 (71,2%)	143 (74,9%)
- енгил ( $< 15^\circ$ )	4 (12,5%)	6 (17,6%)	28 (22,4%)	38 (19,9%)
- ўртача ( $15-30^\circ$ )	0 (0%)	2 (5,9%)	8 (6,4%)	10 (5,2%)
Ҳамроҳ касалликлар, n (%)	2 (6,3%)	4 (11,8%)	11 (8,8%)	17 (8,9%)

*Жарроҳлик тактикасини танлаш мезонлари.* Ҳар бир клиник ҳолатга индивидуал ёндашувнинг мезонлар тизими ишлаб чиқилди. Анатомик омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга: меатуснинг жойлашуви, уретра пластинкасининг сифат хусусиятлари, жинсий олатнинг эгрилик даражаси. Анатомик хусусиятларга қўра жарроҳлик усулини танлаш мезонлари 3-жадвалда акс эттирилган.

Уретрал пластинкани баҳолаш операциядан олдинги режалаштириш жараёнининг энг муҳим қисми ҳисобланади. Унинг кенглиги 6 мм дан кам бўлса, неоуретра торайиши хавфи юқори бўлгани сабабли, TIP усуllibарини қўллаш тавсия этилмайди. 6-8 мм оралиғидаги кенглик чегара зона бўлиб, бу ҳолатда танлов қўшимча омиллар мажмуасига асосланди. 8 мм дан ортиқ кенглик эса TIP ва TIP-M усуllibарини қўллаш учун энг мақбул ҳисобланади.

3-жадвал

### Анатомик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик усулини танлаш мезонлари

Мезон	TIP-M	TIP	Дюплей
<b>Гипоспадия шакли</b>			
- бошча	+++	++	-
- тожсимон эгат	++	+	+++
- дистал-тана	+	+	+++
<b>Уретрал пластишка кенглиги</b>			
- >8 мм	+++	+++	+
- 6-8 мм	++	++	++
- <6 мм	++	+	+++
<b>Пластишка сифати</b>			
- яхши	+++	+++	+
- қоникарли	++	+	++
- қоникарсиз	++	-	+++
<b>Жинсий олат эгрилиги</b>			
- йўқ	+++	+++	++
- енгил (<15°)	++	++	++
- ўртача (15-30°)	+	+	+++

Изоҳ: +++ оптималь танлов; ++ мақбул танлов; + мумкин бўлган танлов; - номақбул танлов

### Жарроҳлик усуllibарининг қиёсий таҳлили


**Дюплей усули.** Дюплей усули бўйича операция 77 нафар беморда (40,3%) амалга оширилди. Асосий кўрсатмалар 23 нафар беморда (29,9%) тож эгат шакли ва 54 нафар беморда (70,1%) дистал-танали шаклни ўз ичига олган. Тор уретрал пластишка (6 мм дан кам) 45 нафар (58,4%) беморда кузатилди. Операциянинг ўртача давомийлиги  $58\pm11$  дақиқани, касалхонада ётиш муддати эса  $14,0\pm2,1$  кун ташкил этди.

**Snodgrass бўйича TIP усули.** TIP жарроҳлик техникаси 58 беморда қўлланилди. Кўрсатмалар: яхши шаклланган уретрал пластишка билан бошча ва тож эгат жойлашуви; пластишка кенглиги 6 мм дан ортиқ; жинсий аъзонинг сезиларли эгрилиги йўқлиги. Операциянинг ўртача давомийлиги  $68\pm12$  дақиқани ташкил этди. Оптик катталаштириш 22 беморда (37,9%) қўлланилди.

**TIP-M муаллифлик модификацияси.** Ишлаб чиқилган муаллифлик TIP-M усули (06.05.2024 санадаги патент UZ IAP 7701 1) (3-расм) 56 нафар (29,3%) беморда қўлланилди. Асосий тамойил уретрал пластишкани кесиш чукурлигини 2 мм гача чеклаш ва кейинчалик нуқсонни олат кертомагининг ички варағидан қон томир билан таъминланган лахтак билан қоплашдан иборат.

TIP-M усулини бажариш техникаси **беш босқичдан** иборат: 1-босқич – кенглиги 8-10 мм бўлган озиқлантирувчи оёқчали кертомак терисининг ички варағидан қон томир билан таъминланган лахтакни шакллантириш; 2-босқич – уретрал пластишкага ишлов бериш, бунда кесиш чукурлигини 2 мм гача чеклаш; 3-босқич – лахтакни пластишкага нуқсонига жойлаштириш ва Vicryl 7/0 тугунли чоклар билан маҳкамлаш; 4-босқич – неоуретрани найча шаклига келтириш ва икки

қаватли қопламани яратиш; 5-босқич – реконструкцияни гланспластика ва неомеатус шакллантириш билан яқунлаш. Ушбу усулни амалга ошириш босқичлари 3-расмда күрсатилган.



**3-расм. Муаллифлик ТИР-М жарроҳлик усулининг босқичлари (батафсил тавсифи матнда берилган) ва ихтиро учун патент гувоҳномаси**

ТИР-М усулига кўрсатмалари: 13 беморда (24,2%) жуда тор уретра пластинкаси (4 мм дан кам); 13 беморда (24,2%) тор пластинкали дистал-тана шакл; 7 беморда (12,5%) тўқималар сифатининг қониқарсиз эканлигини кўрсатади. Жарроҳлик амалиётининг ўртача давомийлиги  $82 \pm 14$  дақиқани ташкил этди.

ТИР ва муаллифлик ТИР-М усулларининг қиёсий таҳлили 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

#### **ТИР ва ТИР-М усулларининг қиёсий тавсифи (n=114)**

Кўрсаткич	ТИР (n=58)	ТИР-М (n=56)
Беморларнинг ўртача ёши, йил	$6,0 \pm 3,4$	$6,4 \pm 3,8$
Техник мураккаблик даражаси	Ўртача	Юқори
Операция давомийлиги, дақиқа	$68 \pm 12$	$82 \pm 14^*$
Уретрал пластинканинг кенглиги <6 мм	15 (25,9%)	43 (76,8%)*
Ўта тор уретрал пластинка <4 мм	0 (0%)	13 (24,2%)*
Дистал-тана шакли	30 (51,7%)	41 (73,3%)*
Микроскоп ёки лупалардан фойдаланиш	22 (37,9%)	56 (100%)*
Операция давомидаги асоратлар	2 (3,4%)	0 (0%)

\* $p < 0,05$  ТИР гуруҳи билан солиштирилганда

**Асоратларнинг олдини олиши тизими.** Операциянинг техник жиҳатларига, оқилона антибиотик профилактикасига ва операциядан кейинги парваришни мақбуллаштиришга асосланган комплекс профилактика чора-тадбирлари тизими ишлаб чиқилди.

Профилактиканинг техник жиҳатлари: барча беморларда оптик катталашириш ёрдамида аниқ жарроҳлик усулларини қўллаш, тўқималарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, терини таранглаштирмасдан етарли даражада мобиллашириш, биполяр коагуляция орқали пухта гемостаз ўтказиш, операция пайтида анастомознинг герметиклигини назорат қилиш.

Антибактриал профилактика: химояланган пенициллинлар ёки иккинчи авлод цефалоспоринларни жарроҳлиқдан олдинги ва кейинги даврда қўллаш, даволаш муддати операция усулидан келиб чиқиб 5-7 кунни ташкил этди.

Операциядан кейинги парвариш: операция қилинган соҳани иммобилизация қилиш, операция жароҳати ҳолатини ҳар куни текшириш, сийдик тутилишининг олдини олиш чоралари (12 нафар (6,3%) bemorda қайta катетеризацияяга зарурat бўлди).

Асосий асоратларнинг ўзига хос олдини олиш чоралари:

Тери-уретра оқмаларини олдини олиш: неоуретрани қон билан таъминланган тўқималар ёрдамида ишончли кўп қатламли қоплама билан таъминлаш;

Торайишнинг олдини олиш: мос ўлчамли неоуретрани шакллантириш, чоклар таранглигидан сақланиш;

Чоклар очилишининг олдини олиш: тўқималарга шикаст етказмайдиган техника, тўқималарни етарли даражада мобилизация қилиш;

Косметик нуқсонларнинг олдини олиш: анатомик тузилмаларни аниқ мослашириш, бошчанинг табиий кўринишини шакллантириш.

Гипоспадиянинг дистал шаклларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашга комплекс ёндашув, жумладан стандартлаштирилган ташхис алгоритми, дифференциаллашган жарроҳлик тактикасини танлаш ва асоратларнинг олдини олиш тизими, ҳар бир bemorga индивидуал ёндашиш ва даволаш натижаларини оптималлаширишга асос яратди.

Диссертациянинг "Гипоспадиянинг дистал шаклларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари" деб номланган тўртинчи бобида кузатув даври 7 кундан 7 йилгача бўлган (ўртacha давр  $28,4\pm16,2$  ой) 191 bemorda турли жарроҳлик усулларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

**Жарроҳлик йўли билан даволашнинг эрта натижалари.** Операциядан кейинги эрта асоратларни таҳлил қилиш (7 кундан 6 ойгача) қўлланиладиган жарроҳлик технологиясининг даволашнинг бевосита натижаларига сезиларли таъсирини кўрсатадиган аниқ гурухлараро фарқларни аниқлади.

Эрта асоратларнинг умумий таркибида 191 bemorda 103 ta қониқарсиз натижа (53,9%) қайд этилди. Эрта асоратларнинг энг паст частотаси TIP-M гурухида кузатилди – 56 bemordan 15 ta ҳолат (26,8%), бу бошқа ёндашувлар натижаларидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди ( $p<0,001$ ). Операциядан кейинги эрта асоратлар тўғрисида батафсил маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

TIP гуруҳида эрта асоратлар частотаси 50,0% (29 ҳолат) ни ташкил этди, бу TIP-M гуруҳи кўрсаткичларидан 1,9 баробар юқори эди. Энг юқори частота Дюплей гуруҳида қайд этилган – 76,6% (59 ҳолат), бу TIP-M гуруҳи кўрсаткичларидан 2,9 баробар кўп.

Анастомоз герметиклиги бузилишининг белгиси сифатида чок чизиги орқали сийдик сизиб чиқиши 19 нафар bemorda (9,9%) кузатилиб, гурухлараро энг сезиларли фарқлар аниқланди ( $p=0,008$ ). Энг паст кўрсаткич TIP-M

гурухида қайд этилди – 2 ҳолат (3,6%), энг юқориси эса Дюплей гурухида – 14 ҳолат (18,2%).

5-жадвал

### Операциядан кейинги дастлабки асоратларнинг частотаси ва тавсифи

Асорат тури	TIP-M (n=56)	TIP (n=58)	Дюплей (n=77)	Жами (n=191)	p
<b>Инфекцион асоратлар</b>					
- Жарроҳлик ярасининг яллиғланиши	3 (5,4%)	5 (8,6%)	8 (10,4%)	16 (8,4%)	0,552
- Баланопостит	0 (0%)	0 (0%)	1 (1,3%)	1 (0,5%)	0,478
- Жарроҳлик ярасининг йиринглаши	2 (3,6%)	3 (5,2%)	10 (13,0%)	15 (7,9%)	0,082
<b>Механик асоратлар</b>					
- Уретропластика чокларининг ажралиши	1 (1,8%)	2 (3,4%)	5 (6,5%)	8 (4,2%)	0,348
- Ташқи лахтакнинг некрози	0 (0%)	0 (0%)	2 (2,6%)	2 (1,0%)	0,190
- Гематома	3 (5,4%)	5 (8,6%)	11 (14,3%)	19 (9,9%)	0,213
- Олат бошчаси шиши	4 (7,1%)	8 (13,8%)	6 (7,8%)	18 (9,4%)	0,350
- Чок чизиги бўйлаб сийдик сизиб чиқиши	2 (3,6%)	3 (5,2%)	14 (18,2%)	19 (9,9%)	0,008*
<b>Функционал бузилишлар</b>					
- Сийдикнинг ушланиб қолиши	0 (0%)	3 (5,2%)	2 (2,6%)	5 (2,6%)	0,123
<b>Жами асоратлар</b>	<b>15 (26,8%)</b>	<b>29 (50,0%)</b>	<b>59 (76,6%)</b>	<b>103 (53,9%)</b>	<b>&lt;0,001*</b>
<b>Асоратларсиз</b>	<b>41 (73,2%)</b>	<b>29 (50,0%)</b>	<b>18 (23,4%)</b>	<b>88 (46,1%)</b>	

Изоҳ: \* $p<0,05$  гуруҳларни таққослашда ; \*\* $p<0,001$  (Пирсоннинг  $\chi^2$  мезони)

Операция жароҳатининг битиши жараёnlари тавсифи. Операцион жароҳатларнинг битиши хусусиятларини таҳлил қилиш ҳар бир усулнинг техник хусусиятлари репаратив жараёnlарнинг кечишига таъсирини акс эттирувчи сезиларли гурухлараро фарқларни аниқлади (6-жадвал).

6-жадвал

### Операция ярасининг битиши жараёни тавсифи (n=191)


Кўрсаткич	TIP-M (n=56)	TIP (n=58)	Дюплей (n=77)	p
<b>Битиши муддатлари</b>				
- Чоклар эпителизацияси, кун	8,1±1,3	9,7±2,2	11,5±2,9	<0,001*
- Тўлиқ битиши, кунлар	14,3±2,1	17,4±3,2	21,7±4,4	<0,001*
<b>Битиши сифати</b>				
- Бирламчи битиши	41 (73,2%)	29 (50,0%)	18 (23,4%)	<0,001*
- Иккиласмчи битиши	15 (26,8%)	29 (50,0%)	59 (76,6%)	<0,001*

Изоҳ: гуруҳларни таққослашда  $p<0,05$  (ANOVA post-hoc таҳлили билан)

TIP-M гурухида даволанишнинг оптимал суръатлари кузатилди. Чок чизиклари эпителизациясининг якунланиши ўртача  $8,1\pm1,3$  кундан сўнг юз берди, бу TIP ( $9,7\pm2,2$  кун,  $p<0,01$ ) ва Дюплей ( $11,5\pm2,9$  кун,  $p<0,001$ ) гурухлари кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори эди. TIP-M гурухида тўлиқ тикланишга  $14,3\pm2,1$  кундан сўнг эришилди, бошқа гурухларда эса бу кўрсаткич мос равишда  $17,4\pm3,2$  ва  $21,7\pm4,4$  кунни ташкил этди.

TIP-M гурухидаги 41 та беморда (73,2%), TIP гурухидаги 29 та беморда (50,0%) ва Дюплей гурухидаги 18 та беморда (23,4%) бирламчи битиши кузатилди.

Операциядан 1 ой ўтгач, битиш натижаларининг визуал баҳоланиши 4-расмда акс эттирилган.



**4-расм. Операциядан 1 ой ўтгач, битиш натижаларининг фотосуратлари:** а) ТИР-М операцияси натижаси: мукаммал битиш, табиий кўриниш, бошча чўққисида тирқишисимон меатус; б) ТИР операцияси натижаси: яхши битиш, чок атрофида озгина қизариш; в) Дюплей операцияси натижаси: қониқарли битиш, сезиларли чандиқли ўзгаришлар мавжуд

